

## COVID-19 ПАНДЕМИЯСИДАН КЕЙИН ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

*Қиличев Ботир Пардаевич*  
*Япониянинг Тойо университети,*  
*“Халқаро туризм менежменти” магистранти*  
*e-mail: botirklichev@gmail.com*

**Аннотация:** Мақолада Осиё минтақасида COVID-19 пандемиясидан кейин туризм соҳасининг ривожланишига тўсиқ бўлаётган омиллар, Ўзбекистонда ушбу омилларни бартараф этиш имкониятлари, уларнинг ҳуқуқий асослари ҳамда соҳани ривожлантириш йўналишлари ёритилган.

**Калит сўзлар:** Туризм, салбий омиллар, ҳуқуқий асос, ривожлантириш йўналишлари, соҳадаги камчиликлар, статистик кўрсаткичлар.


Сўнгги йилларда туризм саноати иқтисодий нуқтаи-назардан иқтисодий ўсиш, иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш орқали ЯИМ ни оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ижтимоий жиҳатдан эса аҳоли маданиятини ошириш, қадриятларни сақлаб қолиш ва уни жаҳон ҳамжамиятига жозибадор кўрсатиш, миллатлараро маданий алмашинувнинг асосий омили сифатида эътироф этиб келинади. Жаҳон миқёсида юз берган COVID-19 пандемияси фониди барча соҳлар каби туризм бозоридаги пасайиш кўрсатиб бердики, анъанавий туризм модели кўпинча атроф-муҳит ва маҳаллий жамоалар учун энди катта харажатлар талаб қилмоқда.

Жаҳон туризм ташкилоти (UNWTO)нинг маълумотида кўра, пандемиягача бўлган 2015-2019 йилларда туризм соҳаси барқарор ривожланиш тенденциясига эга бўлган. Жумладан, соҳани ривожланиши Яқин Шарқда 8 фоиз, Осиё ва Тинч океани минтақасида 5 фоиз, Европа ва Африка қитъаларида 4 фоиз ва Америка минтақасида 2 фоиз ўсиш кўрсаткичига эга бўлиб, туристик ташрифлар сони 1,462 млн.дан ортиқ кишини ташкил этди. Ушбу даврда жаҳон миқёсида яратилган иш ўринларининг 23,7 % и саёҳат ва туризм соҳасида яратилган, туризм секторининг жаҳон ЯИМ даги улуши 10,4 фоизни ёки 9,2 трлн. доллар ни ташкил қилган.

Пандемиядан кейинги даврларда, хусусан, 2023 йилда жаҳон миқёсида туристлар сони 1 286 млн.кишини ташкил этиб, 2019 йилга нисбатан 12 фоизга камайганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Бунда энг асосий пасайиш Осиё минтақасига тўғри келганлиги, яъни, 2019 йилга нисбатан 35% ли пасайиш минтақа доирасида туризм соҳаси ривожини учун кескин чоралар кўриш заруриятини юзага чиқармоқда.

2022 йилда жаҳон ЯИМ таркибида туризм улуши ўртача 2,5 % ни ташкил қилган бўлса, минтақалар кесимида ҳолатни 1-расмдан кузатишимиз мумкин.

1-расмдан кузатишимиз мумкинки, 2022 йилда жаҳон ЯИМ таркибида туризм соҳасининг минтақалар кесимидаги улуши Осиёда энг паст даражани кўрсатмоқда.



**1-расм. 2022 йилда жаҳон ЯИМ таркибида туризм соҳасининг минтақалар кесимидаги улуши.**

2023 йилнинг 26-27 июль кунлари Индонезиянинг Бали шаҳрида бўлиб ўтган Индонезия Республикаси Туризм ва иқтисодиёт вазирлиги, Индонезия Савдо-саноат палатаси ҳамда Жаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) билан ҳамкорликда Халқаро туризм ва инвестиция форуми (ИТИФ-2023) да ҳам шу жиҳатга асосий эътибор қаратилиб, Осиё минтақасида туризмни янада ривожлантириш, туризм саноатига яшил ва барқарор инвестицияларнинг аҳамиятини ўрганиш, туризм бизнесининг узоқ муддатли муваффақияти ва минтақадаги давлатларнинг фаровонлиги учун ҳам экологик масъулиятли амалиётларни жорий этиш масалаларини қамраб олди.

Ҳозирги вақтда туризм бозорида кенг тажрибага эга бўлган истеъмолчилар улуши ортиб бормоқда. Саёҳатчилар уларнинг ташрифи атроф-муҳитга таъсири ҳақида тобора кўпроқ хабардор бўлиб, экологик тоза меҳмонхоналар, туроператорлар ва йўналишларни фаол равишда қидирмоқдалар. Бозор ўсиши билан барқарор туризм соҳасида янада инновацион бизнес моделлари ва технологиялари пайдо бўлмоқда. Туризм бизнесининг барқарор ривожланишига олиб келадиган янги инновациялар ва ташаббуслар орқали бозор талаблари ўзгаришига жавоб бериш бугунги кунда бизнес иштирокчилари учун муҳим бурилиш нуқтаси бўлиши мумкин. Шу сабабли, минтақалар кесимида туризм йўналишларининг истиқболлари, ўсиб бораётган истеъмол талабларига жавоб бериш масалалари муҳим аҳамият касб этади.

ИТИФ-2023 доирасида минтақалар туризм салоҳиятига салбий таъсир этаётган омилларга ҳам тўхталиб ўтилди. Жумладан, давлатларга ташриф буюрган сайёҳлар ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари бўйича асосий эътирозли ҳолатлар сифатида қуйидагилар санаб ўтилди:

1. Меҳмонхоналар ва уларда кўрсатиладиган хизматлар сифатининг пастлиги.
2. Туристлар кўп ташриф буюрадиган жойлардаги ходимлар, мутахассис ва ишчиларнинг халқаро тилларни билмаслиги.
3. Жамоат транспорти хизматининг сифатсизлиги.
4. Интернет ва мобил алоқа камровининг тор эканлиги, интернет тезлигининг пастлиги.
5. Умумфойдаланиладиган жойлардаги санитария ҳолатларининг талабга жавоб бермаслиги, биоҳожатхоналарнинг мавжуд эмаслиги ва бошқа омиллар

Осиё минтақасига ташриф буюрувчи сайёҳларнинг эътирозлари умулаштирилганда энг асосий муаммолардан бири маҳаллий аҳоли ва мутахассис ходимларнинг инглиз тили ёки бошқа халқаро тилларни билиш даражаси паст эканлиги форум доирасида алоҳида таъкидлаб ўтилди. Минтақа давлатларида бу борада иш олиб бориш лозимлиги ва йўналишлари кўрсатиб берилди.

Ўзбекистон Республикасида ҳам соҳани ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш, унинг иқтисодиётдаги улушини ошириш, ҳудудларда аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлаш мақсадида қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда. Туризм бозорининг жозибадорлиги, рақобатбардошлиги ҳамда туризм маҳсулоти ва хизматларини диверсификация қилиш, мамлакатимизнинг туризм учун хавфсиз ҳудуд сифатидаги имиджини мустаҳкамлаш учун бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон Фармони билан тасдиқланган «2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси» қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 28 майдаги қабул қилинган ПФ-6002-сон Фармони, «Туризм соҳасини санитарияэпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 19 июндаги ПҚ-4755-сон қарорига мувофиқ Туризмни

ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузурида Хавфсиз туризм жамғармаси ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 июлда 433сонли «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Юқорида санаб ўтилган қарор ва фармонлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26 апрелдаги «Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-135-сон қарорини ижросини таъминлаш доирасида амалга оширилган ишлар орқали юртимизда 2023 йилнинг 11 ойида туризм хизматлари экспорти ҳажми 2,0 млрд. АҚШ долларига етди ва 2022 йилнинг мос даврига нисбатан (1,4 млрд. АҚШ доллари) 1,4 баробарга ошди. Ҳудудларга жами 11,0 млн нафар, жумладан, Тошкент шаҳрига 4,5 млн нафар, Самарқанд вилоятига 2,1 млн нафар, Бухоро вилоятига 1,3 млн нафар ва Хоразм вилоятига 564,7 минг нафар хорижий сайёҳларнинг ташрифлари амалга оширилди

Хулоса қилиб айтганда, туризм соҳасида пандемиянинг таъсирини камайтириш, ИТИФ-2023 да санаб ўтилган соҳа ривожига тўсқинлик қилаётган омилларни бартараф этишда соҳадаги устувор мақсад ва вазифаларни белгилаш, унинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш лозим. Марказий Осиё доирасида ягона туризм халқасини янада ривожлантириш, қўшни давлатларнинг ОАВ вакиллари ва туристик ташкилотлари билан ҳамкорликда инфо турлар уюштириш, Бутун жаҳон туризм ташкилоти – (UNWTO) доирасида бўладиган халқаро форум ва тадбирларни Ўзбекистонда ўтказиш бўйича ишларни жадаллаштиришимиз керак. Ўзбекистонда долзарб экологик муаммолар мавжуд шароитда иқлим ўзгаришига қарши курашиш бўйича чораларни кучайтириш, туризм секторига яшил инновациялар ва барқарор инвестицияларни жалб қилиш учун қулай механизмни яратишда илғор давлатлар тажрибаларини ўрганиш ва мамлакатимиз амалиётига жорий этиш лозим.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26 апрелдаги «Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-135-сон қарори
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 апрелдаги «Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-232-сон Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 09 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризминини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6165-сон Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон Фармони.
5. Эштаев Алишер Абдуғаниевич (2022). Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш истикболлари. "IQTISODIYOT VA TURIZM" xalqaro ilmiy va innovatsion jurnali, 1(3), 36-41
6. Pardayevich, K. B. (2023). Analysis of the Maximum Volume of Production in Cement Production Enterprises in Uzbekistan. *International Journal on Economics, Finance and Sustainable Development*, 5(6), 1-8. Retrieved from <https://journals.researchparks.org/index.php/IJEFSD/article/view/4460/4174>
7. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2023). Xo'jalik yurituvchi subyektlarda ishlab chiqarishning maksimal hajmi tahlili. *YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT*, 5 (2023), 187–192.
8. Klichev Bakhtiyor Pardayevich. (2022). ANALYSIS OF PRODUCT PRICING BASED ON PRODUCT PARAMETERS AND CUSTOMER CHOICE . *Journal of New Century Innovations*, 6(1), 67–79. Retrieved from <https://newjournal.org/index.php/new/article/view/996>
9. Қличев Бахтиёр Пардаевич. (2023). ОПЕРАЦИОН ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ . *World Scientific Research Journal*, 12(2), 263–271. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2557>
10. ҚЛИЧЕВ, Б. П. (2022). ИШБИЛАРМОНЛИК ФАОЛЛИГИ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/373>
11. Қличев Бахтиёр Пардаевич. (2024). ИШЧИЛАР ҚЎНИМСИЗЛИГИ ТАҲЛИЛИ. *World Scientific Research Journal*, 23(2), 287–294. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3042>
12. Қличев, Б. (2021, май 21). Ўзбекистонда ишбилармонлик фаоллиги таҳлилини ташкил этиш. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10646960>
13. Қличев, Б. (2021, май 21). Маҳсулот (иш, хизматлар) га баҳо шакллантириш масалалари. Бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятини халқаро стандартлар асосида ташкил этишнинг долзарб масалалари. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10647005>
14. Қличев, Б. (2021, май 5). Ишбилармонлик фаоллиги индекси таҳлили. *Biznes-tahlilni rivojlantirishning zamonaviy tendensiyalari va istiqbollari*. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10647021>
15. Қличев, Б. (2022, сентябрь 16). Операцион фаолият таҳлилида харидор танлови асосида маҳсулотга баҳо шакллантириш масалалари. *Инновацион ёндашув асосида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш*. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10647059>